

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2013 йил 22 ноябрь • № 47 (9634)

Съезд

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

**Ўзбекистон акушер-гинекологларининг VIII
съездида ана шу масала атрофлича кўриб чиқилди**

Жорий йилнинг 16 ноябрь кунини пойтахтимизда акушер-гинекологларнинг VIII съезди бўлиб ўтди. Унда акушер-гинекологлар хизматининг миллий моделини мукамаллаштириш, акушерлик ва гинекология амалиётида замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш, интенсив терапия ва реанимацияни ривожлантириш, онкогинекология, эрта ташхис ҳамда профилактика асослари ва репродуктив саломатликнинг тиббий, ижтимоий муаммоларини ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди.



Анжуманда таъкидландики, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантириш масалаларига давлатимиз томонидан берилаётган эътибор ва кўрсатилаётган ғамхўрлик туфайли республика соғлиқни сақлаш тизимида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, мустақиллигимизнинг илк давридан ана шундай эзгу ишларнинг давом этиб келаётганлиги бугунги кунда ўз самарасини бераётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.

(Давоми 2-бетда).

Илмий-амалий анжуман

КУН ТАРТИБИДА ЭНДОКРИН КАСАЛЛИКЛАР МУҲОКАМАСИ



Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қандли диабетнинг XXI аср эпидемияси, деб эълон қилиниши хасталиқнинг бу тури билан кенг жамоатчилик мунтазам равишда кураш олиб боришини тақозо этмоқда. Статистик маълумотлар 25 йилдан сўнг ер юзидаги ҳар 6 кишидан бири ана шу касаллик билан оғриши мумкинлигини кўрсатади. Демак, эндокрин хасталиқларнинг олдини олиш, унга чалинган беморларни даволашга эътибор қаратиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир.

(Давоми 6-бетда).

ҲАР БИР ИНСОН МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 7 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги 4153-сонли Фармойишига мувофиқ, “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шиори остида республикаимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи кам таъминланган кекса ва ёлғиз пенсионер, ногиронлар ҳамда сурункали касалликка чалинган, имконияти чекланган болалар юқори малакали мутахассислар тиббий кўригидан ўтказилмоқда.

Жумладан, 18-24 ноябрь кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Зангиота, Янгийўл, Юқори Чирчиқ, Паркент, Оҳангарон, Бекобод, Бўка, Пискент туманларида ҳамда Ангрэн, Олмалик, Чирчиқ, Бекобод шаҳарларидаги тиббий бирлашмалар марказий кўп тармоқли поликлиникалари қошида 25-28 ноябрь кунлари вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида республикадан жалб қилинган мутахассислар иштирокида 2 босқичдан иборат кенг қамровли тиббий кўрик ташкил қилинади.

Бундай тадбирлар бошқа ҳудудларда ҳам ўтказилмоқда.

Фарида КОМИЛОВА,
Республика саломатлик
ва тиббий статистика
институтининг Тошкент вилояти
бўлими мутахассиси.

Давлат дастури — амалда

ЗАМОНАВИЙ БИНО — ЭЛИМИЗ ХИЗМАТИДА



Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг барча вилоят, туманларида янгидан қуриб битказилаётган ҳамда капитал таъмирланиб, ишга туширилаётган маданий-маиший иншоотлар, спорт мажмуалари, тиббиёт масканлари кўзни қувонтиради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилдаги Инвестиция дастури тўғрисида»ги 1455-сонли Қарори

ижросини таъминлаш, қолаверса, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишига ҳисса қўшиш мақсадида пойтахтимизнинг кўплаб мавзеларида замонавий типдаги тиббиёт муассасаларининг қурилиб, фойдаланишга топширилишини кенг жамоатчилик қувонч билан эътироф этмоқда.

(Давоми 4-бетда).

Съезд

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон акушер-гинекологларининг VIII съездида ана шу масала атрофлича кўриб чиқилди



Лола РАҲИМОВА,
Республика аҳоли
репродуктив саломатлик
маркази бўлим бошлиғи,
доцент:

– Ушбу съездда долзарб мавзулар бўйича маърузалар бўлди. Шунингдек, гуруҳлардаги мутахассислар ўртасида олиб борилган ўзаро баҳс-мунозараларда соҳа йўналишидаги ижобий натижалар таҳлил қилиниб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалаларига эътибор қаратилди. Айтишим жоизки, Президентимиз томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига эътибор ва ғамхўрлик ту-



Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1096-сонли ва «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 2009 йил 1 июлдаги 1144-сонли Қарорларининг амалдаги ижроси бўйича тизимда муайян ишлар олиб борилиб, айни кунда самарали натижаларга эришилмоқда. Бунинг исботи сифатида айтиш ўринлики, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт, она-бола скрининг ҳамда репродуктив саломатлик марказлари ва уларнинг вилоят филиаллари, туғруқ мажмуалари, вилоят кўп тармоқли



Дилбар НАЖМУТДИНОВА,
Ўзбекистон акушер-гинекологлар
Ассоциацияси раиси:

– Давлатимиз томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига қаратилган эътибор ҳар биримизни мамнун этади. Ушбу йўналишда олиб борилаётган фаолиятларга назар ташласак, бу борада ижобий ишлар қилинаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Айтиш жоизки, мазкур съезд ўзига хос тарзда ўтказилиб, унда иштирок этган ҳар бир тиббиёт ходими учун катта мактаб вазифасини ўтади десам, янглишмайман. Айниқса, съезд кун тартибидан кўрилган долзарб мавзулар мутахассислар касбий маҳоратини ошириб, ўз устида ишлаш ҳамда назарий ва амалий билимларини бойитишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Аввало, соғлом онадан соғлом фарзандларни дунёга келтириш учун гинекология соҳасида иш олиб бораётган ҳар бир касб эгаси бой тажрибага эга бўлмоғи лозим. Чунки биз нафақат она, балки туғилажак фарзанд соғлиги учун ҳам масъулмиз. Шундай экан, фарзанд дунёга келгунча онанинг кечинмалари, унинг вужудидаги ҳомиланинг тўғри ва соғлом ривожланиши соҳа вакилларида астойдил меҳнат талаб қилади. Яна шуни айтмоқчиманки, ҳомилдор аёл ва унинг туғилажак фарзанди соғлиги биргина гинеколог-мутахассисларнинггина эмас, балки соҳа йўналишининг барча ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб боришни тақозо этади. Шу боис, бўлиб ўтган съездда акушер-гинекологлар билан бир қаторда эндокринолог, гематолог, неонатолог, онколог, педиатр ва бошқа йўналишдаги мутахассислар иштирок этишди. Ўйлайманки, ушбу съезд олдимизда турган асосий мақсадларимизни рўйбга чиқаришда ўз натижасини беради.

– Фахр билан айтиш керакки, кейинги йилларда Ўзбекистон тиббиёти оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида юксак натижаларга эришмоқда, – дейди Американинг Стенфорд тиббиёт маркази профессори Паул Блументаль. – Юртингиздаги оналар ва болалар соғлигига бўлган эътибор ва ғамхўрлик барчамизни қувонтирди. Айниқса, тиббиёт муассасаларидаги замонавий технологияларнинг мавжудлиги ҳар бир касалликни ўз вақтида аниқлаб, ташхис қўйишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бўлиб ўтган ушбу съездда ҳамкасбларим билан тажриба алмашдим, мулоқотлар чоғида амалиётдаги ютуқларимиз билан ўртоқлашдик. Эрта ҳомилдорликни аниқлашнинг замонавий усуллари бағишланган маърузам эса барчада қизиқиш уйғотди.

бола саломатлиги учун ниҳоятда масъул ҳисобланади. Ҳомилдорликдан тортиб то туғиш жараёнигача, қолаверса туғишдан сўнг ҳам она ёки чақалоқ соғлигида жиддий ўзгариш бўлиши табиий. Бунинг учун мутахассис ҳомилдор аёлда кечаётган касалликлар ва ҳомил ривожланиши ҳолатларини доимий назорат қилиб бориши, туғдириш жараёнида жуда эътиборли бўлиши шарт. Айни кунда ҳар бир туғруқ мажмуасида ҳомилдор аёллар учун керакли шароит ва имкониятлар мавжуд.

Съездда республикамиз тиббиёт тизимида меҳнат қилаётган тажрибали ҳамда ёш мутахассислар иштироки уларнинг касбий малакасини оширишда катта мактаб бўлди, деб ўйлайман, чунки ҳар бир маъруза ва фикр танланган мавзунинг моҳияти қанчалик чуқур эканлигини кўрсата олди. Ҳамкорликдаги ана шундай нуфузли тадбирларнинг ўтказилиши инсон саломатлиги йўлида



болалар шифохоналари замон талаблари даражасида янгидан бунёд этилиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Бунинг баробарида эса мутахассисларнинг малака оширишлари учун яратилган имкониятлар доирасида, тиббиёт муассасаларида иқтидорли тиббиёт ходимларининг фаолият олиб бораётганлиги ҳам ислохотлар замирида уйғун ётган мақсадлар бирлигини, яъни соғлом онадан соғлом фарзанднинг дунёга келаётганлиги ва жамият тараққиёти раванг топаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Съездда сўзга чиққан Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Худаяров, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси И. Боситхонова ва бошқалар республика тиббиёт тизимида ислохотлар жараёнида олиб борилаётган фаолиятларга урғу бериб, жумладан оналик ва болаликни муҳофаза қилишда ижобий ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтишди.

Мазкур съездда кўрилган долзарб мавзулар мутахассислар назарий ва амалий билимларини оширишда муҳим омил бўлди десак, янглишмаймиз. Фурсатдан фойдаланиб, тадбирнинг фаол иштирокчилари билан суҳбатда бўлдик.

файли, улар учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Соҳамизга оид чиқарилаётган фармон ва қарорларнинг ижроси бўйича репродуктив саломатлик ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари аҳоли орасида кенг тарғиб қилинаётганлиги боис, оила аъзоларининг ўз соғлиқларига бўлган эътибори ҳамда тиббий савияси ошмоқда. Ҳомилдор аёлларнинг ўз вақтида шифокор назоратида бўлишлари, бўлажак фарзандларининг дунёга келишида мутахассис маслаҳатидан унумли фойдаланишлари ижобий натижа бермоқда, яъни соғлом онадан соғлом фарзандлар дунёга келмоқда. Мутахассис сифатида шуни айтмоқчиманки, фаолиятимиз самарадорлиги кўпроқ тарғибот ишларига келиб тақалмоқда. Аҳоли соғлом турмуш тарзи тўғрисида қанчалик кўп маълумотга эга бўлсагина тиббиётнинг асосий мақсад-моҳиятини тушуниб етиши осон кечади.

Холмат ХУДОЙНАЗАРОВ,
Қашқадарё вилояти,
Қосон туман туғруқ
мажмуаси бош врач:

– Тиббиётнинг ҳар бир йўналиши мутахассисдан катта маҳорат ҳамда тинмай изланиш ва янгилик сари интилишни талаб этади. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда тиббиёт



ходими ҳушёр, самимий ва фидойи бўлиши зарур. Чунки, соҳа вакиллари икки жон, яъни она ва

қилинаётган ишлар ривожланишида муҳим қадам бўлиши-вакиллари икки жон, яъни она ва га шубҳа йўқ.

Юқоридаги фикрларга хулоса қилар эканмиз, кенг доирада ўтказилган акушер-гинекологларнинг VIII съезди мутахассислар олдида янада муҳим вазифаларни кўйди десак, муболаға бўлмайди. Демак, давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Шундай экан, бу борада барчамиз ҳамкорликда иш олиб бориб, аҳоли орасида тарғибот ишларини янада кучайтириб борсак, кўзлаган эзгу ниятларимизга эришишимиз мумкин. Халқаро миқёсда тан олинган ютуқларимиз, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти раҳбарининг Ўзбекистон тиббиётига берган баҳоси, шунингдек, дунёда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича етакчи ўринларда бораётганлигимиз барча иштирокчиларнинг касби-га бўлган масъулият ва эътиборини кучайтирди.

Ибодат СОАТОВА.
Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.

Юртимиз шифо масканларида

НЕЙРОХИРУРГИЯ: ТАЖРИБА ВА
ТАДҚИҚОТДАГИ ЮТУҚЛАР

Республика нейрохирургия илмий маркази бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки қўшни давлатлардан келган беморларга ҳам малакали хизмат кўрсатиб келмоқда. Марказ таркибида маслаҳат-поликлиника, рентген-диагностика, клиник лаборатория, қабул бўлиmlлари, реанимация ва интенсив терапия, физиотерапия, 5 та нейрохирургик бўлим фаолият юритмоқда. Муассаса замонавий тиббий асбоб-ускуна ҳамда жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, бу ерда жаҳон талаблари даражасидаги мураккаб нейрохирургик амалиётлар юқори савияда ўтказилиб, жумладан, 5 нафар фан докторлари, 19 нафар тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор-нейрохирурглар илмий ҳамда амалий

фаолият олиб бормоқдалар. Кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш, беморларни ташхислаш ва даволаш ишларини самарали ташкил этиш учун марказда «Somatom-ARTX» (Siemens, Германия) компьютер томографи, рентген ускуналари, ультратовуш текширувлари, 32 каналли электроэнцефалограф, «OPMI R ORL» микроскоплари, энцефалоскопи ва бошқа юқори технологик ускуналар мавжуд бўлиб, ёш нейрохирурглар мазкур воситалардан фойдаланиб, ўз билиmlларини амалиётга татбиқ этиб келмоқдалар.



моқдалар. Чунки, халқаро стандартларга таяниб иш тутиш ҳар бир мутахассисни хушёрликка чорлайди. Хорижлик ҳамкасблар билан олиб борган ўзаро тажриба алмашувларимиз иш жараёнида яхши натижа бериши, шубҳасиз. Ўта мураккаб операцияларда эса баъзан чет эллик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда ишлашга тўғри келади. Марказимизнинг операция блокида 7 та хона ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига эндовазаль ва стереотаксик нейрохирургияга мўлжалланган опера-

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 декабрдаги 583-сонли қарори билан Тошкент шаҳрида нейрохирургия илмий маркази ташкил этилди. Бу қувончли воқеа мамлакатимиздаги барча нейрохирург мутахассисларнинг илмий изланиш ва тажриба қўламлиги бойишига кенг йўл очиб, уларнинг аҳоли саломатлигини сақлаш йўлидаги ишларига катта масъулият юкледи.

Ўтган давр мобайнида соҳага киритилган янгиликлар, илмфан тараққиётга бағишланган кашфиётлар, илмий изланишлар бўйича амалга оширилган ишларга эътибор қаратиш мақсадида Республика нейрохирургия илмий маркази директори Файрат Қориев билан суҳбатда бўлдик.

– Файрат Маратович, нейрохирургия соҳасини ўрганиш ва ривожлантириш бўйича марказда қандай ишлар олиб борилмоқда?

– Нейрохирургия илмий маркази фаолият бошлагандан буён аҳоли орасида бош ва орқа мия ўсмалари, шиш ҳамда тананинг турли чурраларини эрта аниқлаш, ташхислаш, қолаверса, даволаш бўйича кўпгина тадқиқотлар, илмий изланишлар олиб борилиб, юқори самарадорликка эришиб келинмоқда. Марказимизда болалар нейрохирургияси, нейроонкология, нейроэндоскопик, орқа мия ва умуртқа поғонаси нейрохирургияси, қўшма жароҳатлар ва унинг асоратлари ҳамда реанимация каби бўлимлар мавжуд бўлиб, мутахассисларнинг асосий эътибори мазкур касалликларни самарали даволаш ва янгича ёндашувларни амалиётга олиб киришдир. Муассасада 75 нафардан зиёд тиббиёт ходими 157 ўринга мўлжалланган бўлимда республиканинг барча ҳудудларидан келган беморларга малакали хизмат кўрсатади. Қувонарлиси, марказимизга нафақат



вилоятлардан, балки қўшни республикалардан ҳам фуқаролар мурожаат этишмоқда.

Бош мия – инсон организмидаги энг нозик ва мураккаб аъзо ҳисобланади. Чунки, ундаги касалликларни аниқлаш, даволаш шифокордан чуқур билим ва катта тажриба талаб этади. Ҳар бир йўналишда ривожланиш бўлгани каби, нейрохирургия соҳасига ҳам замонавий текширув-диагностик ва операция усуллари кириб келмоқда. Ходимларнинг малакасини ошириш орқали соҳага янги тажрибалар татбиқ этилди.

– Хориж тажрибасини ўрганиш ва мутахассислар ўртасида тажриба қўламини бойитиш – долзарб масала. Шунга мувофиқ, амалиётда жорий этилаётган янгиликлар хусусида қандай фикр билдирасиз?

– Тиббиётнинг олий мақсади – инсон саломатлигига эришиш экан, бу йўлда турли усуллардан самарали фойдаланиш, тажриба орттириш бирламчи вазифа ҳисобланади. Дунё миқёсида ўтказилаётган барча халқаро конференция ва конгрессларда тиббиёт ходимларимиз фаол қатнашиб, долзарб мавзудаги маърузалари билан иштирок этиб келмоқдалар. Жумладан, улар Бельгия, Австрия, Украина ва Россиядаги нейрохирургия илмий марказларида бўлишиб, соҳага дадиллик билан янги операция амалиётларини жорий эт-



циялар киради. Шунингдек, бош мия ва периферик касалликларни даволашда микрохирургик техника ҳамда эндоскопик, эндовазкуляар аппаратлардан фойдаланилади. Ундан ташқари, марказда касалликни ташхислаш бўйича эса краниография, компьютер томограф, церебрал ангиография текширувлари яхши йўлга қўйилган. Бош ва орқа мия ўсмаларини олиб ташлаш бўйича ҳам кўплаб хориж тажрибалари татбиқ этилмоқда. Шунингдек, ҳафта мобайнида элликка яқин турли хил операциялар ўтказилмоқда.

– Марказда малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёж, уларни тайёрлашга қаратилган амалий дастурлар қандай йўл билан ҳал этилмоқда?

– Ҳар қандай соҳани ривож-

– Ҳақиқатан ҳам бошқа йўналишлар қаторида нейрохирургия фани ҳам замон билан ҳамнафас, – дейди марказ директори Файрат Қориев. – Бу эса шифокорлардан доимо изланишда бўлишни тақозо этади. Илмий марказ қошидаги Тошкент врачлар малакасини ошириш институти «Хирургия ва болалар хирургияси» кафедрасида нейрохирургия бўйича доимий ўқув курси фаолият юритади. Ҳар йили бу ерда турли вилоятлардан келган ўнлаб соҳа мутахассислари малака ошириб кетади. Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари ҳам нейрохирургия асосларини шу ерда ўрганадилар. Иқтидорли ёшларимиз амалда соҳа имкониятлари билан яқиндан танишар экан, уларнинг кўпчилиги айнан марказ остонасидан бошлаб келажақда нейрохирург бўлиш мақсадини ўз олдига қўймоқда. Бундан ташқари, ёш мутахассислар Англия, Германия, АҚШ, Жанубий Кореядаги нуфузли клиникаларда маҳорат ўташ баробарида биздаги тажриба билан ўртоқлашиш имкониятига ҳам эга бўлмоқда. Ўз навбатида, ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш учун илмий марказимиз негизда хорижлик етук мутахассислар йилига бир неча марта ўзбекистонлик нейрохирурглар билан мураккаб жарроҳлик муолажаларини ўтказар экан, бизда яратилган имкониятларни ҳам алоҳида эътироф этмоқда.

Марказда 2013 йил 9 оyi давомида 2324 та операция амалга оширилган бўлса, шулардан 1798 таси мураккаб операциялар бўлиб, юқори технологик аппаратлар ёрдамида амалга оширилган. Бунинг 526 таси эса енгил, кичик операциялардир.

лантириш, биринчи навбатда, тажрибали ва малакали кадрларнинг ақлий заковати, билим ва маҳоратига бориб тақалади. Ҳар йили республикамизда маҳаллий ҳамда хорижий нейрохирурглар иштирокида соҳанинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуманлар ташкил этилиб, муассаса ходимлари жаҳон миқёсида ўтказилаётган нейрохирурглар анжуманида ўз илмий маърузалари билан фаол иштирок этиб келишади. Шунингдек, Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон каби давлатлар нейрохирургик клиникалари билан узвий алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, жорий йилда кўплаб ёш мутахассислар МДХ давлатлари ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг клиникаларида касб маҳоратларини ошириб қайтдилар. Бундан ташқари, марказ мутахассислари касалликлар ташхиси ва даволашни

янада такомиллаштириш, мураккаб нейрохирургик операцияларни ўтказишда янги ютуқларни қўлга киритиш устида илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Ходимларимиз доимий равишда малака ошириб, аттестациядан ўтказиб борилади. Нейрохирургия соҳасида улкан муваффақиятлар сари интилиш ҳар бир шифокорнинг олий мақсадига айланган.

Марат МИРЗАБОВЕВ, Республика нейрохирургия илмий маркази илмий ишлар бўйича директор ўринбосари:

– Марказимизда даволаш ишлари билан бир қаторда, республика миқёсида фаолият юритаётган нейрохирургларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Шунингдек, клиникамизда илмий фаолият намунали йўлга қўйилган бўлиб, бу борада доимий изланиш олиб борилмоқда. Бундан ташқари, 20 дан ортиқ номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди. 2011 йилда жаҳон стандартларига мос ҳолда марказимизда даволаш ва диагностика стандартлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Ҳар йили республикамизда ўтказилаётган инновацион ғоялар кўргазмасида ўз ишларимиз билан иштирок этиб келмоқдамиз. Яна шуниси фахрланарлики, 2013 йилда 3 та грант лойиҳасини қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Тиббиёт мураккаб соҳа бўлганлиги сабабли, доимий изланиш, янгиликлар сари интилишимиз лозим.



Сог'лиқни сақлаш соҳасида инсон ҳаёти билан боғлиқ мураккаб жараёнларни енгиб ўтиш, амалиётга энг сўнгги янгиликларни татбиқ этиш, малакали кадрлар салоҳиятини юксалтириш тиббиёт ходимларига катта масъулият юклайди. Бу йўлда эса шифокорлар яратилган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, юқори натижаларга эришадилар, деб ишонамиз.

Суҳбатдош Намоз ТОЛИПОВ.
Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Эътибор ва ғамхўрлик

СОҶА РИВОЖИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Пойтахтимизда Колопроктология илмий марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов иштирок этиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш жараёнида босқичма-босқич амалга оширилаётган ишларга атрофлича тўхталиб, колопроктология йўналишидаги ишларга урғу берди ҳамда бу борада эришилган ютуқлар ва келгусидаги режалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.



Республикада колоректал хирургия ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб умумий хирургиянинг таркибида бошқа тиббиёт соҳалари каби ривожлана бошлади. Бу борадаги биринчи қадам Наманган шаҳрида ихтисослаштирилган проктология шифохонаси очилиши ва Тошкент шаҳридаги 10-касалхонада проктологик беморлар учун алоҳида ўринлар ташкил қилиниши билан бошланган. 70-йилларнинг охирида Россия Федерацияси колопроктология клиникасида тиббиёт фанлари доктори В. Фе-

доров раҳбарлигида профессор Э. Назаров ва С. Наврўзовлар маляка оширганидан сўнг 1980 йилдан бошлаб, вазириликнинг буйруғига асосан, 1-Республика клиник шифохонаси таркибида алоҳида проктология бўлими ташкил қилинди. Таниқли профессор Саримбек Наврўзов йўғон ичак патологиялари бўйича илмий ишларини давом эттириб, 1988 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилганидан сўнг проктология бўлимида йўғон ичак стази, ярали колит, йўғон ичак дивертикулези, Гиршпунг касалликларини хирур-

гик даволаш усуллари, реконструкция-тиклаш операциялари мукамал ўзлаштирилиб, амалиётга татбиқ этилди. Самарали натижалар инobatга олиниб, шу йили Колопроктология илмий маркази ташкил қилинди.

Мустақиллик йилларида Колопроктология илмий марказида колоректал хирургиянинг долзарб муаммолари мавзусини мукамал ўрганиш бўйича 20 нафардан ортиқ фан номзоди, 6 нафар фан доктори етишиб чиқди.

Замон талаблари даражасида қайта реконструкциядан чиқарилган марказнинг бугунги қиёфаси олдингиларидан тубдан фарқ қилиб, жаҳон стандартлари асосидаги янги технологиялар ҳамда юқори малакали мутахассислар



СУРАТЛАРДА: колопроктология илмий марказининг ташқи кўриниши ва даволаш хоналари.

билан таъминланди. Шунингдек, 2 та операция блоки, муолажа, шифокорлар хонаси, ошхона ҳамда палаталарнинг ўзига хос дид билан таъмирдан чиқарилганлиги ва беморлар учун барча шароитларнинг муҳайё этилиши ташриф буюрганларни бефарқ қолдирмади. Ушбу йўналишдаги ишлар ўз навбатида йўғон ичак касалликлари бўйича илмий-амалий ишларни қулай шароитда олиб бориш ва ривожлантиришга имкон беради. Бу эса республикада вилоятларида малакали мутахассислар етишиб чиқишига, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликни илк босқичларида аниқлаш, оғир асоратли турларини камайтиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Ибодат СОАТОВА.
Суратлар муаллифи
Жасур ЖАЛИЛОВ.

○ Давлат дастури — амалда ○

ЗАМОНАВИЙ БИНО — ЭЛИМИЗ ХИЗМАТИДА

Пойтахтимизнинг Тахтапул мавзесида Тошкент вилояти онкология диспансерининг капитал таъмирланиши ва ишга туширилиши ана шундай воқеликлардан бири бўлди. Кейинги йилларда ушбу даволаш муассасасига келиб мурожаат қилаётганлар сони нисбатан ошди. 2008 йилда капитал таъмирдан чиқарилган бинода беморларнинг даволаниши учун барча шарт-шароитлар етарли бўлса-да, замонавий тиббий асбоб-ускуналарга эҳтиёж сезиларди. Диспансерда 220 ўринга мўлжалланган стационар, 8 та клиник ва 3 та кенг кўламли таҳлил ўтқа-

(Давоми. Боши 1-бетда).

задиган диагностик бўлим фаолият кўрсатиб келмоқда. Албатта, ҳар бир даволаш масканида кадрлар салоҳияти етарли бўлсагина олдинга қўйилган мақсадни тўлиқ амалга ошириш мумкин. Ушбу даргоҳда 52 нафар шифокор меҳнат қилиб келади. Шундан 19 нафари олий тоифали шифокордир. 6 нафар фан доктори, 10 нафар тиббиёт фанлари номзодининг фаолият кўрсатаётганлиги диспансернинг илмий салоҳияти анча юқорилигидан далolat беради.

Дарҳақиқат, Тошкент вилояти аҳолисига онкология касалликларини аниқлаш, ташҳис қўйиш, профилактик тадбирларни амалга ошириш ва даволаш бўйича тиббий хизмат кўрсатиб

келаётган бу диспансерда Инвестиция дастурига мувофиқ, 2008 йилдан бошлаб янги даволаш диагностика ва ошхона биноларини қуриш режалаштирилган эди.

Биринчи босқичда даволаш-диагностика биноси қурилиши ниҳоясига етказилиб, бунинг учун давлат бюджетидан 1 миллиард 581 миллион сўм маблағ сарфланди. Иккинчи босқичда эса ошхона биносини қуришга эътибор қаратилиб, бунга 415 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Айти пайтда бино битиш арафасида турибди.

Инвестиция дастурига кўра, қуриб битказилган бинонинг моддий-техник базасини вуждга келтириш, энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга ҳам эътибор қаратилди. Соғлиқни сақлаш вазирилик томонидан бу ерга умумий қиймати 483,6 миллион сўмлик замонавий видеоэндоскопия тўплами, сунъий нафас олдириш аппаратлари, электрокоагулятор, электровакуум сўргич, назорат монитори жўнатилди. Бундан ташқари, ҳомий ташкилотлар – Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати томонидан Германиянинг «Karl Shtorz» корхонасида ишлаб чиқарилган, умумий нархи 64,7 минг еврога тенг замонавий эндоскопия лапароскоп ускунаси, «Asia Alliance» очик турдаги хусусий банк томонидан 48 минг



евро нархидаги замонавий цистоскоп ускунаси беғараз кўмак тариқасида тақдим этилди. Шунингдек, республикада илк бор аҳолига махсус ихтисослаштирилган юқори малакали онкологик ёрдам кўрсатиш мақсадида комбинациялашган даволаш, янги диагностика ва даволаш жарроҳлик бўлимлари очилди.

– Пойтахтимиз вилояти аҳолисига кўрсатилаётган онкологик хизмат самарадорлигини янада ошириш, беморларга янги ва замонавий хизмат турларини кўрсатишда ушбу диспансернинг ҳиссаси катта бўлишига шак-шубҳа йўқ, – деди очилиш маросимида сўзга чиққан Соғ-

лиқни сақлаш вазириликнинг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров. – Икки қаватли даволаш-диагностика биносининг биринчи қаватида 120 нафар беморни қабул қилиш имконига эга бўлган поликлиника яқин кунларда ишга туширилади. Иккинчи қаватда эса 25 ўринга мўлжалланган диагностика ва терапия жарроҳлик бўлими аҳоли ихтиёрига топширилади. Буларнинг барчаси ҳукумат миқёсида аҳоли саломатлигини сақлашга катта эътибор қаратилаётганидан далolat беради.

Хулқар КУЗМЕТОВА.
Суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.



○ Илмий-амалий анжуман ○

ФАРМАЦИЯ: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА

Тошкент фармацевтика институтида "Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари"га бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари, фармацевтика соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар, дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхона раҳбар ва ходимлари, шунингдек, хорижий давлатлардан

ташриф буюрган фармацевтлар иштирок этдилар. Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Саидмурод Сайдалиев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда фармацевтика соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳамда институт фаолиятига алоҳида урғу бериб, анжуманни ўтказишдан кўзланган асосий масалаларга ҳам тўхталиб ўтди.



Тошкент фармацевтика институти ректори А. Юнусхўжаев таълим даргоҳида таҳсил олаётган талабаларни ҳар томонлама интеллектуал салоҳият эгаси қилиб етиштириш, қўллаб-қувватлаш, изланишларга кенг йўл очиб бериш ва бу жа-

да олиб борилаётган ишлар асосида 5 та амалий ва 2 та инновацион илмий-техник лойиҳалар бўйича илмий иш олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳалар асосида яратилган гелментларга қарши дори воситалари, гелрем препарати капсулалари "REMEDY

лиш учун бир қатор зарурий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Анжуман кун тартибидан ўрин олган долзарб мавзулар бўйича тажрибали мутахассислар ва ёш олимлар ҳамда хорижлик фармацевтлар томонидан маърузалар ўқилди. Иштирокчилар 7 та шўъбага бўлиниб, фармацевтиканинг долзарб масалалари, яъни дори воситаларини стандартлаш, сертификатлаш ва сифатини назорат қилиш, фармация саноатининг долзарб муаммолари, фармацияда маркетинг ва менежмент, экспериментал ва клиник фармакология, фармация таълимида ютуқ, муаммо ва унинг истиқболи, янги дори воситаларини қайта ишлаш каби мавзулар доирасидан ўрин олган муҳим масалаларни муҳокама қилдилар.

Тадбир доирасида фармацияда ишлаб чиқариш бўйи-



«... Айниқса, ўқитувчи ва талабаларнинг фармация соҳасига бўлган дунёқарашлари кенглиги, янгиликлар сари интилиши ҳамда ёш олимларнинг илмий изланишлари менга маъқул бўлди. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиманки, институтда таҳсил олаётган талабаларнинг одоби, маданияти ва билимдонлиги эътиборимни тортди. Албатта, бундан кўриниб турибдики, юртингиз Президенти томонидан таълим-тарбия соҳасига жуда катта эътибор қаратилган...»

раёнда профессор-ўқитувчиларнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини таъкидлади.

Бугунги кунга келиб институтнинг илмий салоҳияти республикадаги олий ўқув юртлари орасида ўзига хос ўрин тутади. Институтда илмий изланишлар куйидаги тўртта йўналишда қамраб олинган: юртимиздаги ёввойи доривор ўсимликларни ўрганиш ва ўстириш технологияси бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқиш: маҳаллий хом ашёлар асосида доривор препаратлар яратиш ва уларнинг биофармациясини ўрганиш, координацион бирикмалар асосида доривор препаратлар яратиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш, фармация ишини ташкил этиш ва унинг иқтисодиди.

Юқоридаги йўналишлар ҳам-

GROUP" кўшма корхонасида ишлаб чиқарилмоқда. Саримсоқ пиёз спиртли экстракти – Spekgarlin препаратини эса "Sorb – Teh" МЧЖ корхонасида 2014 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Институт 2008 йилдан бошлаб пойтахтимизда мунтазам ўтказиб келинаётган инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаларида иштирок этиб, дори воситалари ҳамда препаратларни намойиш қилишмоқда. Институт магистрлари ва катта илмий ходимлари ўз тажрибаларини амалга оширишида институт ҳузуридаги Дори воситаларини стандартлаш илмий марказининг ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда. Марказ дори воситаларини стандартлаш, сифатини назорат қилиш ва фармако-токсикологик таҳлил қи-

ча GMP стандартларини амалий татбиқ қилиш асосларига бағишланган семинар-тренинг ҳам иш бошлади. Мазкур семинар бир ҳафта давомида ўтказилиб, унда мамлакатимизда дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг раҳбар ходимлари иштирок этдилар.

А. ФЕДОТОВ,
техника фанлари доктори,
"Инварпроект"
компанияси бош директори,
(Россия):

– Тошкент фармацевтика институтида ўтказилган "Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари" илмий-амалий анжуманида маърузам билан иштирок этдим. Тадбир ўз ичига муҳим мавзуларни қамраб олганлиги билан алоҳида аҳамият касб этди десам, муболаға бўлмайди. Бундан асосий мақсад, ишлаб чиқарилаётган дори воситалари халқаро талабаларга жавоб бера оладиган, шунингдек сифатли бўлишини таъминлашдан иборатдир. Семинар-тренингда ҳам энг муҳим, яъни ишлаб чиқаришга доир мавзуда сўз юритдим. Ташрифим чоғида институтда олиб борилаёт-

ган таълим, фан ва ишлаб чиқариш жараёни билан танишдим. Айниқса, ўқитувчи ва талабаларнинг фармация соҳасидаги дунёқарашлари кенглиги, янгиликлар сари интилиши ҳамда ёш олимларнинг илмий изланишлари менга маъқул бўлди. Институтда таҳсил олаётган талабаларнинг одоби, маданияти ва билимдонлиги эътиборимни тортди. Албатта, бундан кўриниб турибдики, юртингиз Президенти томонидан таълим-тарбия соҳасига жуда катта эътибор қаратилган. Ушбу анжуманда иштирок этганимдан ва ўзаро тажриба алмашганимдан мамнунман.

Саидамир САИДОВ,
тиббиёт фанлари доктори,
Тошкент фармацевтика
институти фармакология ва
клиник фармация
кафедраси мудири:

– Ушбу анжуманда фармация тизимидаги асосий масалалар, шунингдек, янги дори турлари инновацияси, синтези ишлаб чиқаришга қаратилган илмий ҳамда таълим тизимининг сўнгги ютуқ-

лари сарҳисоб қилинди. Анжуман иштирокчилари дориларнинг кимёвий таҳлилидан тортиб, унинг замонавий маркетинги, менежменти, ишлаб чиқаришдаги инновацияси, дорихона тизимидаги тақдимот ва дори воситалари клиник таҳлилининг инсон организмига таъсири, лаборатория шароитида ҳайвонларга ноҳўя таъсири бўйича маърузалар қилиб, фикр алмашдилар. Ҳар йили ўтказилган ушбу илмий анжуманда кўпроқ таълим ва фанга эътибор бериларди. Навбатдаги анжуманда асосий диққат-эътибор дори воситаларини (GMP стандартлари) сифатли ишлаб чиқаришга қаратилди. Аввало, давлатимиз томонидан фармация соҳасига ва бу борада фаолият олиб бораётган барча соҳа вакилларига яратилаётган шарт-шароит, айниқса, ёш изланувчилар учун кенг имкониятларнинг мавжудлиги бизни янада руҳлантириб, халқимиз учун сифатли дори-дармонлар ишлаб чиқаришга ундайди.

Истиқлолга эришганимизга қадар юртимизда бори-ўйи 2 та фармацевтика саноати корхонаси мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони 138 тага етди. Айни пайтда ана шу корхоналар томонидан 1500 турдаги дори воситалари, 300 турга яқин тиббий буюм ва техникалар ишлаб чиқарилмоқда. 17 та фармацевтика саноати корхоналари ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилмоқда.



Долзарб мавзуга бағишланган ушбу анжуман юртимиз фармацевтлари фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, институтда илмий изланишлар йўлида ўз билим салоҳиятини намойиш этаётган ҳамда юртимиз фармацевтикасини ривожлантириш учун яратилган барча шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланаётган талабаларнинг ўз касбига бўлган иштиёқ ва интилишлари хорижлик мутахассислар томонидан эътироф этилган экан, бу албатта, фармацевтиканинг бугуни, эртаси ва истиқболи порлоқлигидан далолат бериб турибди.

Ибодат СОАТОВА.
Суратлар муаллифи
Жасур ЖАЛИЛОВ.

Илмий-амалий анжуман

КУН ТАРТИБИДА ЭНДОКРИН
КАСАЛЛИКЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарашли ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида "Эндокрин касалликларнинг долзарб масалалари" мавзусида ўтказилган ёш олимлар илмий-амалий анжумани кун тартибига ана шу масаланинг қўйилиши муҳим аҳамият касб этади.

Анжуман ялпи йиғилишида марказ директори, профессор Саид Исмоилов "Қандли диабет касаллигининг 2-тури кечки асоратлари профилактикаси ва коррекцияси" мавзуси бўйича ўз маърузасини слайдлар орқали тақдим этиб, иштирокчиларга ҳам илмий, ҳам амалий характерга эга бўлган



маълумотларни ҳавола қилар экан, жумладан, шундай деди:
– Мамлакатимизда қандли диабетнинг тарқалиш даражаси 5 фоизни ташкил қилади. Ҳозирги кунга келиб 135750 нафар беморнинг диспансер ҳисобиди туриши биз мутахассисларни кенг қамровли иш олиб боришга ундайди. Қандли диабет шуниси билан хавфлики, унга чалинган беморнинг айни вақтда юрак қон-томир тизими ишдан чиқиб, инсулт, миокард инфаркти, қон босими касалликларига ҳам чалинади. Кўп йиллик текширувлар диабет ва унинг асоратларини олдини олишга кетадиган харажатлар уни даволаш учун кетадиган харажатлардан 10 марта кам эканлигини кўрсатди ва исботлади. Қандли диабет беморлар овқатлангандан сўнг ҳар куни пиёда юришни ўз олдига мақсад қилиб қўйса, бу гликемия назоратини таъ-

милайди. Ҳар қандай жойда ва вақтда энгил жисмоний зўриқишни пиёда юриш орқали бар-тароф этиш мумкин. Демак, артериал босимни пасайтириш ёки қандли диабет профилактикасида пиёда юришининг аҳамияти жуда катта. Соғлом киши ҳафта-сига 5 кун 30 дақиқадан юрса, унинг саломатлигида муаммо деярли бўлмайди. Марказимизда эндокрин касаллик билан оғриб даволанаётган беморларга доимий жисмоний ҳаракатда бўлишларини уқтираемиз. Хасталикни даволаш бўйича тўпланган тажриба ва ютуқларимизни ҳудудий 14 та диспансер фаолиятига татбиқ этишга асосий эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили 14 ноябрь – Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни муносабати билан барча диспансерларимизда "Очиқ эшиклар куни" ўтказилиб, бу дард билан оғриган беморларга моддий-маънавий кўмак берилмоқда.

Анжуманда марказ директорининг илмий ишлар бўйича

ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори Равшан Файзуллаев "Эндокринологик касалликларда нейрохирургик амалиёт", Тошкент врачлар малакасини ошириш институти эндокринология кафедраси мудири Г. Раҳимова "Жинс шаклланишининг бузилиши", марказ нейрохирургия бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди А. Каримов "Эндокринопатия фониди патологик синишларда веттебропластика усулини қўллаш тажрибаси" каби мавзуларда маъруза қилиб, иштирокчиларга қандли диабет ва йод танқислиги хасталиклариди учрайдиган ўзига хос клиник белгиларни янада чуқурроқ шарҳлаб берди.

Куннинг иккинчи ярмида қандли диабет ва қалқонсимон без фаолиятида учрайдиган йод танқислиги касалликлари бўйича илмий изланиш олиб бораётган 28 нафар ёш олим ўз маърузалари билан ўроқлашиб, баҳс-мунозара юритдилар. Шунингдек, иштирокчилар мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг фармация саноатида ишлаб чиқарилиб, эндокрин касалликларни даволаш жараёнига татбиқ этилаётган турли дори-дармон воситалари кўргазмаси билан танишиб, бир олам таассуротга эга бўлишди.

Хулқар КУЗМЕТОВА.
СУРАТЛАРДА: илмий-амалий анжумандан лавҳалар.
Суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Обуна — 2014

Хурматли муштарийлар!
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2014 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгилекларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.



Хурматли муштарийлар!

Сизга маълумки, расмий веб-сайтими (www.uzssgzt.uz) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлимидан топиш имкониятига эгасиз. Бундан ташқари, сизда тахририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истиаги бўлса, info@uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.

Признание

В живописных окрестностях Бостанлыкского района в посёлке Таваксай расположен санаторий "Таваксай". Поправить своё здоровье сюда приезжают из разных регионов республики пенсионеры, инвалиды, ветераны войны и труда, а также малоимущие слои населения. Санаторий "Таваксай" действует с 1986 года. В 2012 году за короткий срок был построен новый типовой лечебный корпус, оснащённый современным оборудованием. Здесь функционируют диагностическая лаборатория, УЗИ-обследование, ЭКГ, стоматология, физкабинеты и др.

ОТДЫХ С ПОЛЬЗОЙ

В 2013 году произведены достройка и капитальный ремонт недействующего здания. Также построен летний павильон, сейчас ведутся подготовительные работы по его оборудованию и оснащению. Здесь в летнее время отдыхающие могут играть в шашки, шахматы, смотреть концертные программы, словом, проводить свой культурный досуг.

Под руководством главного врача Н. Юлдашева, зам. главного врача А. Носирова в санатории трудится дружный коллектив сотрудников с многолетним стажем работы. Это чуткие, отзывчивые и внимательные зав. физ. лечением врач С. Ирисметова, врачи М. Гулямова, Н. Хасанбаева, невропатолог У. Кадыров, врач-лаборатории Х. Нарим-



В 2014 году планом "Государственной программы" отведено строительство 2-х новых жилых корпусов со всеми удобствами на 200 человек. По всей территории санатория растут ели, сосны, пихты, каштаны и фруктовые деревья, много орешников, ухоженные клумбы с цветами радуют глаз. Воздух пропитан ароматом деревьев и цветов, всё это даёт большой заряд бодрости.

баева, лаборант Э. Ибрагимова, массажисты: Э. Баходилова, Д. Джанисбекова, М. Ходжиматова и др.

О вкусной и здоровой пище заботятся диетолог Р. Нуржанова, шеф-повар Ш. Ибрагимов, повар З. Шокимова, пом. повара Х. Бортешева и многие другие.

Впервые посетившие эту здравницу хотят приехать сюда снова. Вот и я, Назарова Малохат Холматовна из Киб-



Беседа с главным врачом Юлдашевым Нурали Рахмоновичем и зам. главного врача Носировым Абдурашидом Тангрибердиевичем, видно, что наряду с выполненными работами ещё много предстоит сделать: это строительство плавательного бассейна, фонтанов, живоуголка и многое другое. Со стороны администрации и сотрудников санатория уделяется большое внимание отдыхающим. Каждый сотрудник знает своё дело.

За 16 дней пребывания в санатории, помимо основного лечения, не дают скучать и культурно-массовые мероприятия: ежедневные экскурсии по достопримечательным уголкам столицы, поездки по живописным местам Бильдерсая, Чимгана, Чарвака, в Зангиоту, Бурчмуллу, Ходжикент и др.

райского района Таш.области, отдыхаю здесь второй раз, мне очень понравился этот климат, лечение, доброжелательное отношение всех сотрудников, их внимание и понимание поднимают настроение и облегчают жизнь.

Несмотря на свою занятость, главный врач Нурали Рахмонович и зам.главного врача Абдурашид Тангрибердиевич выбирают время побеседовать с отдыхающими.

В "Год благополучия и процветания" хочу от всей души пожелать им всем здоровья, успехов в их нелёгком труде на благо нашей процветающей Родины, так как у нас в Узбекистане, как ни в какой другой стране, старики в большом почёте и уважении, а самое главное – в социальной защите.

Малохат НАЗАРОВА.

Научные изыскания

РАННЯЯ ДИАГНОСТИКА ИБС НА УРОВНЕ ПЕРВИЧНОГО ЗВЕНА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ НА ПРИМЕРЕ СЕМЕЙНОЙ ПОЛИКЛИНИКИ

Исучена распространённость основных факторов риска ИБС среди лиц трудоспособного возраста (20-59 лет) и степень риска развития сердечно-сосудистых заболеваний (в частности ИБС) на уровне ПЗЗ. Обследовано 109 человек в возрасте 20-59 лет с отсутствием ИБС по данным анализа амбулаторных карт. Всем обследованным проводилось анкетирование на выявление факторов риска и запись ЭКГ двукратно до и после физической нагрузки в виде 20 приседаний. Установлено, что у обследованных пациентов в 82% случаев выявлялись традиционные факторы риска сердечно-сосудистых заболеваний, причем распространённость и сочетание двух и более факторов риска достоверно чаще отмечалось в возрасте преимущественно после 40 лет. Анализ распространённости ИБС в зависимости от наличия или отсутствия факторов риска показал, что развитие ИБС чаще было сопряжено со средним и высоким уровнем сердечно-сосудистого риска.

Актуальность проблемы обосновывается ростом в мире числа больных ИБС и медицинской аксиомой: ранняя диагностика – залог успешной терапии заболевания. Это одно из ведущих заболеваний, приводящее к хронической сердечной недостаточности – ХСН, которая опережает по снижению качества жизни онкопатологию, инсульты, инфаркты миокарда и все другие заболевания.

ИБС, особенно у мужчин, дебютирует до 59,3% случаев в острой и фатальной форме, причём внезапная смерть в 74% случаев – итог коронарного тромбоза. Несмотря на значительное число исследований, остаются противоречивыми представления о причинах возникновения и значении классических (основных) и ряда новых (дополнительных) факторов риска (ФР) ИБС. В клинике внутренних болезней техника диагностики за последние полвека не повысила качество диагностики. Частота ошибок обнаруживается: при вскрытии в 13-22% госпитальной, в частности, по ИМ – в 53,3% и до 44% случаев догоспитальной диагностики, в частности, по ИБС – в 17,8-52%. Имеющийся разрыв между инструментальными возможностями врачей общей практики и врачей кардиоотделений определяет объективную тенденцию к «применению простейших методов» диагностики у больных с ИБС. Практически отсутствуют сравнительные эпидемиологические исследования по ИБС среди трудоспособного населения по отдельным территориям города Ташкента. Вместе с тем, эти сведения необходимы в первую очередь для оценки истинных размеров заболеваемости и смертности от ИБС.

Целью нашего исследования было изучить распространённость основных факторов риска ИБС (артериальную гипертензию, курение, алкоголь, избыточную массу тела, гиперхолестеринемию, низкую физическую активность) среди лиц трудоспособного возраста (20-59 лет) и оценить степень риска развития сердечно-сосудистых заболеваний (ССЗ) (в частности ИБС) на уровне ПЗЗ. Объектом исследования послужили пациенты семейной поликлиники №9 Мирзо-Улугбекского района. Методом случайной выборки обследовано 109 человек в возрасте 20-59 лет с отсутствием ИБС по данным анализа амбулаторных карт. Всем обследованным проводилось анкетирование (в анкете

ка ВОЗ для выявления стенокардии напряжения;

– безболевою форму ИБС, при выявлении у обследованных без стенокардии напряжения и инфаркта миокарда изменений на электрокардиограмме: снижение сегмента ST горизонтальной или нисходящей формы на 0,5 мм и более и/или отрицательного зубца T \sim 1,0 мм и более при отсутствии электрокардиографических признаков гипертрофии миокарда.

Из 109 обследованных лиц из контингента семейной поликлиники №9 Мирзо-Улугбекского района, из них 67 (61,5%) были в возрасте 20-39 лет и 42

76% случаев и 31% соответственно.

При анализе ЭКГ-исследования были определены следующие изменения на ЭКГ у пациентов из группы 20-39 человек: у 54 (79%) не было выявлено ЭКГ-патологии, у 11 (19%) был обнаружен высокий амплитудный зубец T, что свидетельствует о метаболических изменениях миокарда, у 2 (3%) была выявлена депрессия сегмента ST.

В группе 40-59 лет при регистрации и интерпретации ЭКГ было выявлено – у 9 (21,4%) депрессия сегмента ST, у 9 (21,4%) исследуемых была определена гипертрофия левого желудочка, у 18 (42,8%) пациентов был обнаружен высокоамплитудный зубец T, у остальных пациентов на ЭКГ были обнаружены возрастные изменения. По результатам данных анкетирования и ЭКГ, а также данным клинико-лабораторных исследований возрастной группе 20-39 лет 2 пациентам установлен диагноз ИБС стенокардия напряжения ФК I-II. А в группе в возрасте 40-59 лет 9 (21,4%) пациентам, ранее не предъявлявшим каких-либо жалоб, был установлен клинический диагноз ИБС стенокардия напряжения ФК I-II. При этом у всех пациентов, выявленных ИБС, отмечалось сочетание 2 и более факторов риска.

В целом, распространённость ИБС среди обследованного контингента лиц в возрастном диапазоне 20-59 лет была выше в 1,1 раза, чем средняя распространённость ИБС по республике. Согласно полученным данным всех пациентов разделили на 3 группы риска:

Группа высокого риска – наличие ИБС и/или мозгового инсульта как без факторов риска, так и в сочетании хотя бы с одним фактором риска или наличием нескольких изучаемых факторов риска.

Группа среднего риска – наличие одного из изучаемых факторов риска: артериальной гипертензии, курения, избыточной массы тела, гиперхолестеринемии и низкой физической активности или их сочетание.

Группа низкого риска – отсутствие ИБС и/или мозгового инсульта или изучаемых факторов риска.

Анализ полученных данных показал, что высокая степень риска наблюдалась в целом у 12 пациентов (11%), средняя степень риска у 86 пациентов (78,9%), низкая степень риска у 21 пациента (19,3%). В группе пациентов 20-39 лет основную часть составили пациенты с низким и средним уровнем риска – 19 и 35 человек соответственно. В то же время в группе пациентов в возрасте от 40-59 лет высокая степень риска развития ИБС превалировала над низкой и средней степенью.

Таким образом, обследованная группа пациентов в большей час-

Выявление факторов риска ИБС – обязательный этап обследования больных стенокардией или лиц с подозрением на нее. В диагностически сомнительных случаях выявление факторов риска ИБС помогает более целенаправленно обследовать больных. При установленном диагнозе ИБС знание факторов риска помогает более точно определить индивидуальные патогенетические механизмы заболевания и прогноз, выработать конкретные лечебные и профилактические рекомендации.

Феруза ХУСАНХОДЖАЕВА,
магистр ТМА.



отмечались пол, возраст, жалобы, данные клинического осмотра, антропометрические показатели (рост, вес, курение, алкоголь, результаты стандартного измерения АД, гиперхолестеринемия) на выявление факторов риска и начальных проявлений ИБС. Запись стандартной ЭКГ регистрировалась на 3-х канальном аппарате «Хеллиге» (ФРГ) при скорости протяжки бумаги 50 мм/сек двукратно, до и после физической нагрузки в виде 20 приседаний.

Оценка модифицируемых факторов риска проводилась по следующим показателям:

– Расчет показателя индекса массы тела (индекса Кетле) проводился по формуле $ИМТ = \text{масса тела (кг)} / \text{рост (м)}^2$.

– Курящими считались лица, выкуривавшие в день не менее 1 сигареты или папиросы. Оценка курения проводилась по общепринятым критериям.

– Употребление алкоголя оценивалось по критериям, принятым в эпидемиологических исследованиях.

– Артериальная гипертензия (АГ) при артериальном давлении (АД) 140/90 мм рт.ст. и более или с АГ в анамнезе.

– Гиперхолестеринемия (ГХС) при уровне холестерина (ХС) плазмы крови 260 мг% и выше.


– Гиподинамия при работе сидя 5 часов и более в день и активности во вне рабочее время (ходьба, легкий физический труд, занятие спортом) менее 10 часов в неделю.

После проведения первичного обследования в группу лиц с ИБС были отнесены все лица, имеющие следующее состояние:

– стенокардию напряжения, на основе положительно заполненного стандартного опросни-

(38,5%) в возрасте 40-59 лет человек.

Из 67 лиц в возрасте 20-39 лет лица мужского пола составили 45 (67,2%), а лица женского пола – 22 (32,8%). Исследуемые в возрасте 40-59 лет в зависимости от пола распределились следующим образом: 29 (69%) лица мужского пола, а лица женского пола 13 (31%). Исследование факторов риска показало, что из исследуемого контингента лиц в целом у 82% выявлялись традиционные факторы риска, при этом в возрасте 20-39 лет – у 42 (62%) имелся фактор курения, у 18 (26%) была обнаружена гиподинамия, 9 (13,4%) гиперхолестеринемия, АГ 3(4,4%), алкоголь употребляли – 9 (13,4%), ожирение – у 7 (10,4%) соответственно. В то же время в группе пациентов в возрасте 40-59 лет факторы риска распределились следующим образом – 18 (42,8%) имели в анамнезе фактор курения, 21 (50%) гиподинамия, у 19 (45,2%) была обнаружена АГ, у 22 (52,3%) – гиперхолестеринемия, употребление алкоголя – у 11 (26,1%) и у 23(54,7%) – ожирение. Таким образом, частота встречаемости вышеуказанных факторов риска была выше в возрастной группе 40-59 лет ($p < 0,05$), при этом среди пациентов более молодого возраста достоверно более часто выявлялось курение, в то время как в старшей возрастной группе частота встречаемости всех факторов риска была равноценной. При этом сочетание 2 и более факторов риска отмечалось чаще среди пациентов в возрасте 40-59 лет, чем в более молодом возрасте ($p < 0,05$): в



ти имела средний уровень сердечно-сосудистого риска. Распространённость всех форм ИБС у мужчин наименьшая в возрасте 20-29 лет – 0,8% и наибольшая в возрасте 60-69 лет – 24,5%. У больных в возрасте 50-59 лет стенокардия напряжения встречается в 2,7 раза чаще, чем в возрасте 40-49 лет, и в 7,8 раза чаще, чем в 30-39 лет. В этом же периоде в 2,4 раза возрастает частота безболевого формы заболевания по сравнению с предыдущим десятилетием. В нашем исследовании распространённость ИБС оказалась выше, чем в среднем по республике, что требует более детального изучения причин ИБС. В большинстве перспективных исследований выявлено значительное совпадение групп здоровых лиц и людей, у которых развивается ССЗ по исходному уровню основных принимаемых в расчет ФР. В связи с этим дифференцировать среди бессимптомных лиц тех, у кого разовьется заболевание, и тех, кому оно не угрожает, используя ФР в качестве предикторов на самом деле затруднительно. В нашем исследовании наиболее часто факторы риска и их сочетание наблюдаются в старшей возрастной группе, что сопряжено с более высоким риском развития ИБС.

Выводы

1. У обследованных пациентов в 82% случаев выявлялись традиционные факторы риска сердечно-сосудистых заболеваний, причем распространённость и сочетание двух и более факторов риска достоверно чаще отмечалось в возрасте преимущественно после 40 лет, что требует проведения первичной и вторичной профилактики в этой популяции.

2. Анализ распространённости ИБС в зависимости от наличия или отсутствия факторов риска (отдельно или в сочетании) показал, что развитие ИБС чаще было сопряжено со средним и высоким уровнем сердечно-сосудистого риска.

Тиббиёт ва жараён

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги "Жаббор Саттор" қишлоқ врачлик пунктида 5140 нафар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда.



Тиббиёт масканида 19 нафар соҳа мутахассисининг жонқуярлик билан фаолият юритаётгани боис, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат ўз самарасини бермоқда. Айниқса, аҳоли орасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари касаллик кўрсаткичлари камайишига ҳамда оила аъзоларининг ўз саломатликларига бўлган ишончини орттирмоқда. Қишлоқ врачлик пункти "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасидаги замонавий тиббий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланган бўлиб, ходимлар ва аҳоли учун зарурий шарт-шароитлар яратилган.

– Фахр билан айтишим хоизки, истиқлолимиз шарофати билан замонавий ҚВПларининг ташкил этилганлиги, шунингдек, бирламчи бўғинга қаратилган эътибор ҳар бир тиббиёт ходимининг касб малакасини оширишда масъулият билан ишлаш-



га ундамоқда. Аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш, биринчи ёрдам кўрсатиш, амбулатор шароитда соғломлаштириш, эмлаш каби тадбирларни ўз вақтида ўтказиб келмоқдамиз, – дейди ҚВП шифокори Дилором Сатторова.

Ўз мухбиримиз.

Эзгулик ва саховат

КЛИНИКАДА ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ



Пойтахтимизда "Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни" муносабати билан хайрия акцияси ўтказилди. Унда ушбу касалликка чалинган фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилди.

Мамлакатимиз аҳолиси ўртасида қандли диабетга чалинган беморлар у даражада кўп бўлмаса-да, уларни даволаш, муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар кўлами кенг. Айниқса, ҳар йили ана шу сана муносабати билан ташкил қилинадиган тадбирларда қандли диабет-

га чалинган беморларнинг фаол иштирок этиши, зарурий дори-дармонлар билан бепул таъминланиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

– "UMID" хайрия жамғармаси томонидан мазкур хасталикка чалинган беморларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, уларни самарали

даволаш усулларига жалб қилиш бўйича муайян ишлар қилинмоқда. Биз ҳар йили қандли диабетга чалинган беморларни қўллаб-қувватлашдек хайрли ишга баҳоли-қудрат ҳисса қўшиб келамиз. Лойиҳа доирасида эндокринология диспансерлари қошида ихтисослаштирилган офтальмология хоналари очилиб, беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Бу галги тадбир доирасида пойтахтимизнинг турли жойларидан ташриф буюрган беморлар тиббий кўриқдан ўтказилмоқда, уларга зарурий муолажа буюрилиб, амалий тавсиялар берилди, – дейди жамғарма раисининг ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди, бош педиатр-эндокринолог Нилуфар Ибрагимова.

– Қандли диабет ташҳиси қўйилган ёки соғлигига беэтибор бўлмаган ҳар қандай фуқаро йилига икки мартаба оф-

тальмолог кўригидан ўтиши лозим. Бугунги тадбирда ҳар бир бемор офтальмолог кўригидан ўтказилмоқда. Бунинг учун эса клиникамизда барча шароитлар етарли, кўриқда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналаридан фойдаланилмоқда, – дейди офтальмогеронтолог Эльвира Аҳмедова.

– Бугунги акция биз беморлар учун жуда қулайлик туғдирди. Клиника шифокорларининг хушмуомалалиги, ҳар бир бемор билан самимий муносабатда бўлишидан мамнунмиз. Эндокринолог кўригидан муваффақиятли ўтдим, офтальмолог қабулига кирмоқчиман. Малакали мутахассислар тавсиясини олдим. Хайрия акциясини уюштирган клиника маъмуриятига миннатдорлик билдираман, – дейди қандли диабетнинг иккинчи тури билан оғриган беморлардан бири Баҳодир Қосимов.

Жисмоний ҳаракат, тўғри овқатланиш, шахсий гигиенага амал қилиш, руҳий ва жисмоний зўриқишдан фориғ бўлиш, тана вазини меъёрида сақлаш, умуман, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш нафақат қандли диабет, балки бошқа касалликларнинг ҳам олдини олиш гаровидир.

Диёра БОЗОРОВА.

Сурат муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

101 хизматда

ЁНҒИНГА ҚАРШИ КУРАШИШ – ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ҳар йили республикамизда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш учун ташкилий ишлар амалга оширилади. Бу жараён, айниқса, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари олдида ҳам бир қатор вазифаларни юклайди. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун – карбонат ангидрид ҳамда бошқа захарли ҳид ва газлар атмосферага кўтарилиб, мусаффо ҳаво таркибини булғайди. Ёнғин ачинарлиси, ёнғин натижасида кўплаб инсонларга тан жароҳати етказилиб, баъзан ҳаётдан бевақт кўз юмишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Куз-қиш мавсумида турар-жойларда иситиш мосламаларидан фойдаланиш ҳоллари кўпайишини инобатга олиб, газ плитасини ўзбошимчалик билан бошқа жойларга кўчириб ўтказиш, резина шланг орқали улаб ишлатиш, қўлбола ясал-

ган электр иситиш ускуналаридан фойдаланиш бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши тўғрисида аҳоли огоҳлантирилмоқда. Республикамиз ҳудудига кириб келаётган Эронда ишлаб чиқарилган газ иситиш печларининг меъёрий талабларга жавоб бермас-

лиги, улардан фойдаланиш натижасида газ иси чиқиб, одамларни захарлаши мумкинлиги ҳақида аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Миробод тумани ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришда қуйидаги қоидаларга риоя қилишлари зарур:

– газ иситиш печларини ёнган ҳолатда ва назоратсиз қолдирмаслик;

– печ дудбуронларини доимий равишда тозалатиб туриш;

– дудбуронлар атрофини 38х38

см. ўлчамда суватиш ёки темир тунука билан қоплатиш;

– газ плиталари устида кийим-кечакларни қуритмаслик;

– газ плитаси устида қозон ёки чойгумни назоратсиз қолдирмаслик талаб қилинади.

Агар бу қоидаларга тўлиқ риоя қилинса, ёнғин ҳодисаси рўй бермайди, буни ҳар бир фуқаро чуқур англаб етиши керак. Ёнғин ҳодисаси кузатилгудай бўлса, "101" рақамига зудлик билан қўнғирок қилинг.

Е. ИНОЯТИЛЛАЕВ,
Миробод тумани

ИИБ ЁХБ

инспектори, сержант.

Хабар

БЕМОР БОЛАЛАР
МАМНУН

Аҳоли ўртасида энг кўп учраётган касаллик турларидан бири бўлган учун қандли диабетга қарши курашиш, унинг ташҳисини тўғри белгилаш, олдини олиш бўйича мамлакатимизда ҳам кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Нафақат давлат, балки нодавлат ташкилотлари ҳам бу эзгу ишда ўз ўрнини аниқ белгилаб, савоб ва хайрли ишларга бош-қош бўлиб келмоқда. Хусусан, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан "14 ноябрь – Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни" муносабати билан хайрия акциясининг ўтказилиши барчага манзур бўлди. Бу йилги хайрия акциясига Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи 20 нафар бемор бола жалб қилинди.

– Вилоятимизнинг турли туманларидан саралаб олинган бемор болаларга инсулин инъекцияси ҳамда шприцларнинг текин тарқатилиши отоналар билан бир вақтда биз шифокорларни ҳам қувонтирди, – дейди акцияда иштирок этган Бўка тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси педиатр-эндокринологи Мақсуда Худоёрова. – Нафақат дори-дармон билан таъминлаш, балки бемор болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга доир йўл-йўриқ ва маслаҳатларнинг берилишидан мамнун бўлдик. Бу эса аҳолининг тиббий саводхонлигини оширади.

Хайрия акцияси "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга йўналтирилган кам таъминланган оила фарзандларига амалий кўмак бериш, моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилада тиббий маданиятни оширишга хизмат қилади.

Жасур ЖАЛИЛОВ.

Газета

муассиси:

Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикфол кўчаси, 30-уй, 2-қават.

Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 5721 нусха.
Буюртма Г-1145.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

